



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 11 ноябрь, № 219 (4629)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил эта бошлаш ҳамда жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратишда банкнинг иш-тиросини кенгайтириш, яъни тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва қасаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандчилигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг минитехнологияларни ва замонавий технологияларни усунуларни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг қўлдан фойдаланишларини таъминлаш мақсадида:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2008-2009 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини 1-иловага мувофиқ қўшимча 72 млрд. сўмга қўлайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд. сўмга етказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, қишлоқ ҳойларда қўмақлашиш;

тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдирши учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий усунулар ва мини-технологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олинилари учун шарт-шароитлар яратиш;

фермер ва деҳқон хўжалиқларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни, чорва мол, ўй паррандалари, уруғлик ва қўчалар сотиб олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш, суғориш, тўроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган рақобатбардор маҳсулотлар қўзғатма, ярмаркаларини ташкил этишда, реклама кампанияларини ўтказишда, шунингдек, уларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишнинг бошқа шакллари ташкил қилишда тадбиркорларга ёрдам бериш;

банк миқозларига барча

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 ноябрь

СИФАТ ВА СУРЪАТ – БОШ МЕЗОН

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора раванқ топиб бораёпти. Шубҳасиз, бунда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотлар, хусусан, тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани бош омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Натижада ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши кўпайиб, уларнинг импортига ҳожат қолмади.

Қўқон шаҳридаги «Imano group» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналардан бири ҳисобланади. Жорий йилда иш бошлаган мазкур корхонада пойабзаллар тайёрлаш йўлга қўйилган.


Қўшма корхонада дастлаб беш турдаги экспорттоб чарм пойабзаллар тайёрлаш ўзлаштирилган бўлса, бүгунги кунда уларнинг тури қирқдан ошди. Маҳсулотларнинг сифати юқори ва маҳаллий иқлим шароитига мослиги уларнинг харидорчилигини янада оширмоқда.

Айни пайтда корхонада 160 нафар киши меҳнат қилаёпти. Уларнинг аксарияти Садрбахон Курбонова (суратда), Шаҳло Ганиева, Дилафруз Рўзметова сингари ёшлардир. Бу каби ўз касбининг усталари томонидан ойига беш минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилаёпти.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ўса) олган сурат.

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар қўриб чикилди.

Муҳокамалар чоғида таъкидланганидек, буғунги кунда давлат ҳокимияти органлари демократик сайлов ўтказиш бўйича умум-этироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий мезъорларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилигимиз асосида шакллантирилоқда. Сайлов қонунчилиги янада таркиби яқинлаштирилиб борилиши табиий ҳол.

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таркиби яқинлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси шу муносабат билан яратилган.

Йиғилишларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг таркиби яқинлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама бўлди. Айтиб ўтилганидек, мазкур қонун лойи-

ҳаси «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Унга қўра, «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ва Жиноят ижроий кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш қўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга «Адвокатура институтининг янада таркиби яқинлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама бўлди.

Шунингдек, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли мижозларда иштирокига тааллуқли факультатив Баённомага қўшилиши ҳақида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамаси бўлиб ўтди.

Мазкур қонун лойиҳалари фракциялар аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда янги йиғилиш муҳокамасига тавсия этилди.

3. худойшукроров.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғона шаҳрида одам савдосига қарши курашиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.


Мазкур тадбирда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситала-

ри вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон миқёсидаги муаммага

айланиб бораётган одам савдосига қарши курашиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2008 йилда қабул қилинган

(Давоми 2-бетда).

Менинг Конституциям



ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Бундай баҳо бевосита шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, унинг шахсий ҳусусиятлари, жумладан, шаъни давлат ва жамиятга, аҳолидаги инсонларга муносабати билан ифодаланади. Қадр-қиммат ҳам шахснинг шаънига хос хислатлари ифодаловчи фазилатлардан. Шахснинг шаъни инсон сифатида эъзозланиши учун зарур бўлса, қадр-қиммати эса унинг жамиятда эга бўлган обрўси, тутган ўрни, қобилияти, дунёқараши ва бошқалар билан муомалада бўлиши орқали баҳоланади.

Шу маънода шаън ва қадр-қиммат муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, шахснинг баҳосини ифодаловчи номоддий неъмат сифатида қонун билан қўриқланади ва бундай неъматга бўлган мулк ҳуқуқ бузилган тақдирда тегишли ҳуқуқ нормалари воситасида ҳимоя қилинади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиши ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Модомки, шаън ва қадр-қиммат Конституция билан муҳофаза қилинаган экан, уларни, биринчи навбатда, фуқаролик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишга кафолат беради.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунига асосан, фуқаро шаъни ва қадр-қиммати ни ҳимоя қилиш давлат зиммасига юклатилди. Давлатнинг иқтисодий муносабатларни тартибга со-

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА



2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда Давлат бюджетни янги ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди.

Хукуматимизнинг 2008 йил 8 февраль ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажариш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Истиқлол миҳоз ва банк ўртасида мустақкам робита ўрнатди — фуқаролар банк хизматида тўла ишона бошлади, унга суянса суянадиган, таянса таянадиган молиявий муассаса, деб қарайдиган бўлишди. Чунки давлатимиз раҳбарининг бевосита гамхўрлиги ва раҳнамолигида банкларимиз янгича қиёфа касб этди, хизмат соҳаси такомиллашиб, иқтисодиётимизга таянч бўлмоқда. Шу билан бирга, мавжуд қонунларимиз асосида банкларнинг ҳуқуқий механизми шаклланди.

АТ "Пахтабанк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси ҳам истиқлол берган бу имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Шу боис унинг фаолият доираси кенгайиб, ўз миҳозлари ишончини оқлаб келаётди. Жумладан, бошқарма жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ўз иш фаолиятини иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миллий валютамиз қадрини ошириш ва банк соҳасини такомиллаштиришга қаратди. Бошқарма бўлимларида, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14647 нафар, йил бошидаги нисбатан 464 нафар кўп миҳозга хизмат кўрсатилди. Уларнинг 5053 тасини кичик бизнес субъекти, 7744 тасини эса фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилади.

Вилоят бошқармасининг 11 та туманда филиали мавжуд. Шунингдек, 53 та мини банки ҳам фаолият кўрсатаяпти. Бу банк фаолият кўламининг кенгайиши учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Муваффақиятли одимлар ўз-ўзидан бўлган эмас. Пул муомаласига доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» (2005 йил 5 август),

"Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида" (2007 йил 7 но-

воизга ўсди. Бугунги кунда 3617 миҳозга, шу жумладан, 2857 та фермер хўжалигига банкнинг барча хизмат турлари кўрсатилмоқда.

САРМОЯЛАР — РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТГА

"Пахтабанк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси ходимлари ана шундай шиор асосида ишлашмоқда

ябрь) ҳамда «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эътиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2008 йил 27 март) қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори талабларидан келиб чиқиб эса, туман бўлимлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 197 та терминал ўрнатилди. Мазкур терминаллар орқали 2836,1 млн. сўм маблағ айланди. Пластик карточкаларнинг қолдиги 1585,8 млн. сўмини ташкил этди. 2008 йил давомида ташкилотларнинг 43387 нафар ходими иш ҳақларини фақат шу усулда олмақда. Бундан ташқари, бошқарма бўйича жами кредит кўйилмалари 180

2008 йилнинг 9 ойи давомида мини банк миҳозларига 15735,0 млн. сўм кредит ажратилди. Мини банклар орқали жами қабул қилинган нақд пуллар 7397,4 млн.

товга лойиқдир. Жумладан, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 9 ой давомида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан

кредит линиялари ҳисобидан берилган имтиёзли кредитларнинг қолдиги 1641,2 млн. сўмга етгани шундан далolat беради.

Юртбошимиз мустақилликнинг ilk кунлариданоқ томорқани ривожлантириш, чорва молларини кўпайтириш борасида доимо гамхўрлик қилиб келаятигани ҳаммамизга маълум. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2006 йил 23 март) ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамоа томонидан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 311 нафар фуқарога 422,9 млн. сўм, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 156 нафар фуқарога 170,9 млн. сўм кредитлар ажратилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида эса ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 109 та ёш оилага 291,4 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Натижада юзлаб ёшлар уй-жойли бўлди, минглаб йигит-қизлар тадбиркорларга айланди.

"Пахтабанк"нинг ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга сазовор. Хусусан, «Бухоро темир-бетон» масъулияти чекланган жамияти бошқарманинг банк жараёнлари бўлими

миҳозга эди. Банк бу жамиятга Хитой Халқ Республикасининг асбест шифер ишлаб чиқарадиган ускунасини сотиб олиш учун 5 йил муддатга 222,0 млн. сўм миқдорда кредит берди. «Севинч чашмаси» масъулияти чекланган жамиятидан тушган аризада кўрсатилишича эса, жамият яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни ният қилганди. Аризага мувофиқ, унга ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 3 йил муддатга 50,0 млн. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, бошқарма ҳамда унинг Ғиждувон тумани бўлими Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки кредит линияси орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 40 та лойиҳасини молиялаштирди. Бу лойиҳаларнинг умумий суммаси 363,8 млн. сўмини ташкил этади.

Мақоламит аввалида банк хизмати ва миҳозлар ишончи ҳақида беҳуда сўз юритмадик. Бугун одамлар ишончига кириш, сифатли ва кафолатли хизмати билан уларнинг хурмати-га лойиқ бўлиш осон эмас. АТ "Пахтабанк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси, унинг туман ва шаҳарлардаги филиаллари жамоалари қисқа муддатларда сифатли ва беминнат хизматлари билан уларнинг эътиборини қозонди. Мисқоллаб йиғилган обрў-эътибор эса қадри бўлади. Худди пешона тери эвазига топилган нон каби! Худди минг машаққатлар эвазига яратилган ризқ-насиба янглиғ!

Банк матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.



сўмини ташкил этди. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томирига айланиб бормоқда. Бошқарма ходимларининг айнан шу соҳага эътиборлари ҳам изчил ва мақ-

4407,3 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 1126,9 млн. сўм кўлдир. Ана шу кредитларнинг 86 фоизи узоқ муддатларга ва 14 фоизи қисқа муддатларга ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига 728 та янги иш ўрни яратилиб, 2251,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Имтиёзли фоиз ставкаларида берилган кредитларнинг қолдиги жорий йилнинг 1 октябригача 1474,5 млн. сўмини ташкил этган. Шу билан бирга банк бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқин алоқада иш юритаётгани ҳам ўз самарасини бераёпти. Ўтган даврда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг

ЖАҲОН 24 соат ичида

Харажат кўп, фойдачи?

Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси фойдаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 42 миллион фунт стерлингни ташкил этди.

Бу компания толган мабғур миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,8 фоизга пасайганини кўрсатади. Авиакомпания вакилларидан бирининг айтишича, йилги маҳсулотлари нарҳининг кескин ошиши, шунингдек, айрим йўналишларда миҳозлар сонининг камайиши кетиши даромадларга салбий таъсир кўрсатган. Масалан, ўтган даврда йилги маҳсулотлари учун қарийб 3 миллиард фунт стерлинг мабғур сарфланган. Бу 2007 йилдаги қараганда 50 баробар кўпдир. Шу боис, мутасаддилар бир қатор йўналишлардаги парвозларни бекор қилишни мўлжаллаб турибди.

Қурилишдаги хатоликлар туфайли

Албания жанубидаги Гирокастра шаҳрида кўп қаватли уйлардан бири кулаб тушди, дея хабар беради «АФР».

Бахтсиз ҳодиса туфайли уч киши тан жароҳати олди. Воқеа жойида қидирув ишларини олиб бораётган қутқарувчилар вайроналар остида яна ўнга яқин одам қолиб кетган бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Уларнинг тақдирини ҳақида ҳозирча бирор гап йўқ.

Маълумотларга қараганда, бинони қуриш вақтида йўл қўйилган хатоликлар туфайли ушбу ҳодиса келиб чиққан.

Хитойда зилзила

«Reuters» ахборотида кўра, Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган Цинхай музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6,5 балли зилзила содир бўлди.

Табиий офат маркази музофотнинг энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган қисмида қулатилган. Ҳозирча талафотлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

Қушлар билан тўқнашув

Америка қуролли кучларига тегишли бўлган «С-5 Galaxy» юк ташувчи самолёти Делавар шаҳридаги авиабазага мажбурий қўнишни амалга оширди.

«Airforcelines» хабарига айтилишича, «тўлат қанот» осмонда қушлар галасига тўқнашиб кетган, шундай йўл тутган. Тўқнашув оқибатида лайнернинг бир двигатели ва парраги жиддий зарар кўрган. Уни таъмирлашга камида бир миллион АҚШ доллари миқдорда мабғур керак бўлиши таъкидлаб ўтилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳар йили дунё бўйича беш мингдан ортиқ худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%.

а также:

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



NEW HOLLAND AGRICULTURE

New Holland TL 5060



МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

SONATA

Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Q _{мин} , м³/час	Максим. расход, Q _{макс} , м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все устанавливаемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров. Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-п Ц, д. 6. Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шухрат»)

Интилиш

Қашқадарь вилоятининг «Насл-хизмат» бирлашмасига Украинадан 300 бош «Қизил қўл», «Қора-ола» ва «Симментал» зотларига мансуб сигирлар келтирилди.

ХОРИЖДАН — ЗОТДОР СИГИРЛАР

Энг сермақсул ҳисобланган ушбу сигирлар карантин муддати тулагач, чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар, ташкилотларга тарқатиб берилади. Йил охиригача вилоятга яна 345 бош зотли қорамол олиб келиш режалаштирилган. Бу шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларидан қорамоллар наслани яшилтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда муҳим омили бўлади.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Т. Ғ. Мамадалиева отаси

Ҳонорари МАМАДАЛИЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент шаҳар филиали жамоаси математика ва информатика кафедраси доценти Эълол Абдурахмонов ШАМСИЕВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси олий математика кафедраси ассистенти Умида Якубовага волидан муҳтарамаси ФАРИДА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

